

## Намозим олдиндан тугадими?

10:18 / 26.02.2019 2467

Ассалому алайкум! 3 ракатли витр намознинг 2-ракатада аттахиётдан сўнг, икки елкага қараб салом берилгач, яна 1 ракат ўқилиши эсига тушса, 3-ракатга туриб яна 1 ракат ўқиладими ёки намозни қайтадан бошлаб ўқиш керакми? Раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! Салом бериб бирор сўз айтмаган бўлсангиз туриб бир ракъат қўшиб охирида саждаи саҳв қиласиз. Агар гапирган бўлсангиз қайтадан ўқийсиз. [Валлоҳу аълам!](#)